В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

СЕЙПУЛЛАЕВ ЖУМАБЕК ХАМИДУЛЛАЕВИЧ

ҲАҚИҚИЙ ҚИРРАЛАРИ СИММЕТРИК ФАЗОЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА УЛАРНИНГ JBW-АЛГЕБРАЛАРНИНГ ГЕОМЕТРИК ТАВСИФИГА ТАТБИҚЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

УДК: 517.98

Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor (DSc) on physical-mathematical sciences

Сейпуллаев Жумабек Хамидуллаевич
Ҳақиқий қирралари симметрик фазоларнинг таснифи ва уларнинг JBW-алгебраларнинг геометрик тавсифига татбиқлари…………….. 3

Сейпуллаев Жумабек Хамидуллаевич
Описание вещественных гранево симметричных пространств и их приложения к геометрической характеризации JBW-алгебр ……… 25

Seypullaev Jumabek Khamidullaevich
Description of real facially symmetric spaces and their applications to a geometric characterization of JBW-algebras …………………………… 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …..……………………………………….….. 50

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

СЕЙПУЛЛАЕВ ЖУМАБЕК ХАМИДУЛЛАЕВИЧ

ҲАҚИҚИЙ ҚИРРАЛАРИ СИММЕТРИК ФАЗОЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА УЛАРНИНГ JBW-АЛГЕБРАЛАРНИНГ ГЕОМЕТРИК ТАВСИФИГА ТАТБИҚЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/FM85 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (http://www.ziyonet.uz/) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Аюпов Шавкат Абдуллаевич** физика-математика фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	**Заитов Адилбек Атаханович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Закиров Ботир Сабитович физика-математика фанлари доктори
	Арзикулов Фарходжон Нематжонович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика Институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «____» ____________ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4б-уй. Тел.: (+998 71)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4б-уй. Тел.: (+998 71)-207-91-40).

Диссертация автореферати 2021 йил «____» ____________ куни тарқатилди.
(2021 йил «____» ____________ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

У.А.Розиков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К.Адашев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.н., катта илмий ходим

У.У.Жамилов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда операторлар алгебраларининг ҳолатлари фазосини геометрик тавсифлаш, яъни С*-алгебралар ва фон Нейман алгебралари, ёки JB-алгебралар ва JBW-алгебраларининг ҳолатлари фазолари бўладиган қаварик тўпламларни аксиоматик тадқиқ қилиш каби масалаларга келтирилади. Я.Фридман ва Б.Руссо томонидан квант механикаси ҳолатларининг геометрик модели сифатида қаралувчи қирралари симметрик фазолар тушунчаси киритилиб, ушбу фазоларни киритишдан асосий мақсад – операторлар алгебраларининг олд қўшма фазоларини геометрик тавсифлаш бўлган. Қирралари симметрик фазоларни геометрик таснифлаш – квант механикасининг статистик ва эҳтимоллик жиҳатларини аксиоматик ўрганишнинг, операторлар алгебралари назариясидаги муаммоларни ҳал этишнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда қирралари симметрик фазоларни таснифлаш ва ушбу фазолар синфида операторлар алгебраларини тавсифлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. М.Нейл ва Б.Руссо томонидан қирралари симметрик фазолар синфида С*-алгебралар, фон Нейман алгебралар ва JBW*-алгебраларни ўз ичига олган учлик алгебраик структурага асосланган Банах фазоларининг кенгроқ синфи бўлган комплекс JB*-учликларнинг олд қўшма фазолари геометрик тавсифланган. Таъкидлаш жоизки, ҳақиқий операторлар алгебраларини геометрик тавсифлаш масаласи ҳалигача очиқ турибди. Бу борада, қирралари симметрик ҳақиқий фазоларни таснифлаш, олинган натижаларни ушбу фазолар синфида ҳақиқий операторлар алгебраларини тавсифлашга татбиқи мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг квант механикаси ва физикада татбиқига эга бўлган долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, охирги йилларда қаварик тўпламнинг модуляр JBW-алгебрасининг, хусусий ҳолда чекли фон Нейман алгебрасининг, нормал ҳолатлари фазосига аффин изоморф бўлишининг соддароқ геометрик шартларини топиш орқали амалий муаммоларни ҳал этиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. «Алгебра ва функционал анализ» фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда илмий натижалардан илм-фаннинг турдош соҳаларида фойдаланиш мақсадида қирралари симметрик фазолар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 Фармони, 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4387 Қарорлари ва 2020 йил 7 майдаги «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4708 Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]. JBW-алгебралар, JB*-учликлар ва қирралари симметрик фазолар назариялари бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Denison University (Granville, USA), Jerusalem College of Technology (Jerusalem, Israel), Mathematisches Institut der Universität Tübingen (Tubingen, Germany), The Queen’s College (Oxford, United Kingdom), Université de Provence and Centre de Physique Théorique (Marseille, France), University College Dublin (Dublin, Ireland), University of Berne (Berne, Switzerland), University of California (Irvine, USA), University of California (Santa Barbara, USA), University of Granada (Granada, Spain), University of Kansas (Lawrence, USA), University of Oslo (Oslo, Norway), Wellesley College (Wellesley, USA)ларида олиб борилмоқда.

Охирги йилларда операторлар алгебраларининг ҳолатлари фазосини геометрик тавсифлаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор долзарб масалалар ечилган. Жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: қавариқ тўпламларнинг типи I бўлган JBW-факторнинг нормал ҳолатлари фазосига, JB-алгебраларнинг ҳолатлари фазосига (University of Oslo, Norway and Wellesley College), C^*-алгебра ҳолатлари фазосига (University of Oslo, Wellesley College), JBW-алгебраларнинг нормал ҳолатлари фазосига (Université de Provence and Centre de Physique Théorique, Wellesley College) аффин изоморф бўлишини таъминлайдиган геометрик шартлар аниқланган. JBW-алгебраларнинг олд қўшма фазоларининг бирлик шари қирраларининг норма бўйича ёпиқлиги исботланган (The Queen’s College), нейтрал қирралари кучли симметрик фазонинг 1-6 типдаги Картан

---

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи: Acta Mathematica Hungarica: https://www.springer.com/journal/10474, Journal of Functional Analysis: https://www.sciencedirect.com/journal/journal-of-functional-analysis, Canadian Journal of Mathematics: https://www.cambridge.org/core/journals/canadian-journal-of-mathematics, ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

факторларидан бирининг олд қўшма фазосига изометрик бўлишининг геометрик шартлари топилган (Jerusalem College of Technology, University of California), қирралари симметрик фазонинг комплекс JB*-учлик олд қўшма фазосига изометрик бўлишининг геометрик шартлари аниқланган (Denison University, University of California).

Дунёда бугунги кунда Банах фазолари синфида операторлар алгебраларини тавсифлаш бўйича бир қатор изланишлар, жумладан, фон Нейман алгебралари, JBW-алгебралари ва JBW*-учликларнинг олд қўшма фазоларининг геометрик хоссаларини ўрганиш; қавариқ тўпламнинг JBW-алгебранинг, фон Нейман алгебранинг нормал ҳолатлари фазосига аффин изоморф бўлишининг соддароқ геометрик шартларини топиш; қирралари симметрик фазоларнинг геометрик таснифи ва уларнинг бундай фазолар синфидаги операторлар алгебраларининг геометрик тавсифига татбиқлари каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Квант назариясини аксиоматик ўрганишнинг асосий йўналишларидан бири “қавариқ” ёндашув бўлиб, унинг асосий элементи физик система ҳолатларининг қавариқ тўпламидир. Е.Альфсен, Ф.Щульц, Х.Ханке-Олсен ва Б.Иокумларнинг ишларида қавариқ тўпламларнинг C^*-алгебра, фон Нейман алгебраси ёки JB-алгебраларининг ҳолатлари фазосига аффин изоморф бўлишини таъминлайдиган геометрик шартлар аниқланган. Учлик алгебраик структурага асосланган JB*-учликларнинг асосий назарияси У.Кауп, Т.Данг, Я.Фридман, Б.Руссо, Г.Хорн ва Е.Нехерлар ишларида ёритилган. Е.Альфсен ва Ф.Щульц ишларида келтирилган қавариқ тўпламларнинг геометрик хоссалари JB*-учликларнинг тартибланмаган аналоглари мавжуд эканлигини кўрсатади.

Қирралари симметрик фазоларнинг асосий назарияси Я.Фридман ва Б.Руссонинг ишларида ёритилган бўлиб, комплекс фон Нейман алгебралари, JB*-алгебралари ва умумийроқ бўлган JB*-учликларнинг олд қўшма фазолари нейтрал қирралари кучли симметрик фазо бўлиши исботланган. Кейинчалик, ушбу муаллифлар томонидан JB*-учликларнинг олд қўшма фазосида ўринли бўладиган тўртта табиий ва физик аксиомаларни қаноатлантирувчи келтирилмайдиган, нейтрал қирралари кучли симметрик фазонинг 1-6 типдаги Картан факторларидан бирининг олд қўшма фазосига чизиқли изометрик бўлишини кўрсатган. М.Нейл ва Б.Руссо томонидан қирралари симметрик фазонинг комплекс JB*-учлик олд қўшма фазосига изометрик бўлишининг геометрик шартлари аниқланган. Шунингдек, ихтиёрий нейтрал қирралари кучли симметрик фазонинг атомик ва ноатомик қирралари кучли симметрик фазоларнинг тўғри йиғиндисидан иборат бўлиши исботланган.

Ш.А.Аюпов, Б.Иокум ва Н.Ядгоров ишларида проектив қавариқ тўпламлар деб номланувчи тўпламларнинг геометрик тавсифлари ўрганилган, яъни ушбу тўпламлар қирраларининг панжаралари ўрганилиб, қаварик тўпламнинг модуляр JBW-алгебранинг, хусусий ҳолда чекли фон Нейман алгебранинг, нормал ҳолатлари фазосига аффин изоморф бўлишининг соддароқ геометрик шартлари топилган. Йордан операторлар алгебралари ва C^*-алгебраларининг ҳолатлар фазоларини геометрик тавсифлаш учун Е.Альфсен, Ф.Щульц ва Х.Ханке-Олсен дуал жуфтликлар – тартибланган бирли фазо ва базали нормага эга фазоларни ўрганган. Базали нормага эга фазолар ва қирралари симметрик фазолар орасидаги боғлиқлик эса Н.Ядгоров ва М.Ибрагимовнинг ишларида ўрганилган. Н.Ядгоров томонидан қирралари кучсиз симметрик фазонинг қирралари кучли симметрик фазо бўлиши шарти аниқланган. Н.Ядгоров, К.Кудайбергенов ва М.Ибрагимовлар ишида L_1-фазога изометрик изоморф бўлган қирралари кучли симметрик фазолар таснифи келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти ОТ-Ф4-82+ОТ-Ф4-87–«Операторлар ва ноассоциатив алгебраларда локал дифференциаллаш ва автоморфизмлар, ночизиқли динамик системаларда фаза алмашишлар ва хаос»+«Евклид ва псевдо-Евклид фазоларидаги эгри чизиқлар ва сиртларнинг глобал инвариантлари назарияси ва унинг механикага татбиқлари» (2017-2019 йиллар) ва Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг ОТ-4-27 «Йордан учликлари фазолари, сиғимлар фазолари тавсифлари ва функцияларни голоморф давом эттириш» (2017-2020 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мақсади JBW-алгебраларнинг олд қўшма фазоларини геометрик тавсифлаш ва қирралари симметрик бўлган ҳақиқий фазоларни тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қирралари симметрик фазога қўшма фазо элементининг геометрик трипотент бўлиши шартини аниқлаш;

чекли ўлчамли ҳақиқий қирралари симметрик фазоларни таснифлаш;

атомик абел фон Нейман алгебраларнинг олд қўшма фазоларига изометрик изоморф бўлган қирралари симметрик фазоларни таснифлаш;

JBW-алгебраларнинг олд қўшма фазолари қирралари кучли симметрик фазолар бўлишининг зарур ва етарли шартларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Қирралари кучли симметрик фазолар, қирралари кучсиз симметрик фазолар, JBW-алгебралар, фон Нейман алгебралари.

Тадқиқотнинг предмети. Қирралари симметрик фазолар назарияси, операторлар алгебралари назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқот ишида функционал анализ, қирралари симметрик фазолар назарияси, Йордан Банах алгебралари назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларлдан иборат:

рефлексив комплекс қирралари кучли симметрик фазонинг қўшма фазоси элементи геометрик трипотент бўлиши учун бу элементнинг ортогонал тўлдирувчиси M-ортогонал тўлдирувчиси билан устма-уст тушиши зарур ва етарли эканлиги исботланган;

биргаликдаги Пирс ёйилмасига эга чекли ўлчамли нейтрал қирралари симметрик ҳақиқий фазоларининг чекли ўлчамли Гильберт фазоларининг l_1-йиғиндисига изометрик изоморф эканлиги исботланган;

тўла геометрик трипотентга ва нуқталарнинг бўрттирилганлиги хоссасига эга атомик нейтрал қирралари кучли симметрик фазоларнинг атомик абел фон Нейман алгебраларининг олд қўшма фазоларига изометрик изоморф бўлиши исботланган;

JBW-алгебранинг олд қўшма фазоси қирралари кучли симметрик фазо бўлиши учун бу алгебра абел алгебраси ва типи I_2 бўлган алгебранинг тўғри йиғиндисидан иборат бўлиши зарур ва етарли эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари

Чекли ўлчамли нейтрал қирралари кучли симметрик бўлган ҳақиқий фазоларни таснифлашда ҳақиқий чекли ўлчамли нейтрал қирралари кучли симметрик фазонинг ихтиёрий симметрик қирраси симплекс бўлиши қўлланилган;

Спин факторнинг олд қўшма фазоси қирралари кучли симметрик фазо бўлишини кўрсатишда ундаги геометрик трипотентларнинг кўринишларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Функционал анализ, қирралари симметрик фазолари назарияси ва операторлар алгебраси назарияси усулларидан фойдаланилган. Олинган натижалар математик жиҳатдан тўғри исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қирралари симметрик бўлган ҳақиқий фазолар таснифи ва JBW-алгебраларининг геометрик тавсифидан операторлар алгебраларининг геометрик хоссаларини ўрганишда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биргаликдаги Пирс ёйилмасига эга чекли ўлчамли нейтрал қирралари кучли симметрик ҳақиқий фазоларининг чекли ўлчамли Гильберт фазоларининг l_1-йиғиндисига изометрик изоморф эканлигидан квант назариясини аксиоматик ўрганишда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳақиқий қирралари симметрик фазоларнинг таснифи ва уларнинг JBW-алгебраларнинг геометрик тавсифига татбиқлари бўйича олинган натижалар асосида:

атомик қирралари симметрик фазоларнинг таснифидан ОТ-Ф4-31 рақамли грант лойиҳасида атомик симметрик фазо изометрияларини таснифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 декабрдаги 89-03-5051 рақамли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши нокоммутатив L_1-фазолардаги эргодик оқимларнинг деярли текис яқинлашувчи эканлигини исботлаш имконини берган;

JBW-алгебраларнинг геометрик тавсифидан ОТ-Ф4-82+ОТ-Ф4-87 рақамли грант лойиҳасида *-алгебранинг барча ўз-ўзига қўшма элементларининг Йордан алгебраси Рикарт-Йордан алгебраси бўлганида бирлик элементга эга бўлишини кўрсатишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 4 январь кунги 2-1255-10 рақамли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши йиғиндиси бирга тенг бўлган икки боғламли минимал идемпотентларни ўз ичига олган чекли ўлчовли формал ҳақиқий унитар Йордан алгебраси тўрт ўлчамли бўлганда у спин-факторга изометрик изоморф бўлишини исботлаш имконини берган;

SFS-фазонинг қўшма фазосидаги ортогоналлик ва М-ортогоналлик орасидаги боғлиқлигидан PGC2018-093332-B-I00 рақамли хорижий грант лойиҳасида чекли трипотентларнинг геометрик хоссаларига оид муҳим масалаларни ечишда фойдаланилган (Гранада университетининг 2020 йил 7 декабрдаги маълумотномаси, Испания). Илмий натижанинг қўлланилиши JBW*-учликдаги унитар ва тўла трипотентларни таҳлил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 6 таси хорижий ва 8 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Дастлабки тушунчалар ва қирралари симметрик фазоларга мисоллар»** номли биринчи бобида диссертациянинг натижаларини баён қилиш учун зарур бўлган қирралари симметрик фазолар назариясининг асосий тушунчалари келтирилган. Шунингдек, қирралари кучли симметрик фазоларга мисол бўлган, JBW*-учлик ва фон Нейман алгебралари олд қўшма фазоларининг баъзи хоссалари келтирилган. Қирралари кучли симметрик фазоларнинг ℓ_1-йиғиндиси қирралари симметрик фазо бўлиши исботланди. Бундан ташқари, қирралари кучли симметрик фазоларнинг ℓ_1-йиғиндиси нейтрал бўлиши учун уларнинг ҳар бирининг нейтраллиги зарур ва етарли эканлиги кўрсатилди.

Айтайлик, Z нормаланган фазо бўлсин. Агар Z фазонинг f ва g элементлари учун

$$\|f+g\|=\|f-g\|=\|f\|+\|g\|$$

тенглиги бажарилса, у ҳолда f ва g элементлари *ортогонал* дейилади ва $f \lozenge g$ каби белгиланади.

Агар f ва g элементлари ортогонал бўлиб, $\|f\|=\|g\|=1$ тенглиги бажарилса, у ҳолда f ни g ва $-g$ билан, ва $-f$ ни g ва $-g$ билан туташтирувчи кесмалар Z фазонинг $Z_1=\left\{f\in Z:\|f\|\le 1\right\}$ бирлик шарининг чегарасида ётади.

Маълумки, A фон Нейман алгебрасидаги f ва g нормал функционаллари ортогонал бўлиши учун, $f(p)=\|p\|$ ва $g(q)=\|q\|$ тенгликларини қаноатлантирувчи p ва q қисмий изометриялар мавжуд бўлиши зарур ва етарли.

F тўплам Z_1 тўпламнинг қавариқ қисм тўплами бўлсин. Агар $g,h\in Z_1$ элементлар ва $\lambda\in(0,1)$ сони учун $\lambda g+(1-\lambda)h\in F$ эканлигидан $g,h\in F$ келиб чиқса, F тўплам *қирра* дейилади.

Агар нормаси бирга тенг бўлган бирор $u\in Z^*$ учун

$$F = F_u = \left\{ f \in Z_1 : \left\langle f , u \right\rangle = 1 \right\}$$

тенглиги бажарилса, у ҳолда F *норма бўйича бўрттирилган қирра* дейилади.

Агар нормаси бирга тенг $u \in Z^*$ функционали учун $\left\langle g, u \right\rangle = 0$ тенглиги барча $g \in F_u^\Diamond$ учун бажарилса, у ҳолда u *проектив бирлик* деб аталади. Бу шуни кўрсатадики, норма бўйича бўрттирилган F_u қирра $F_u^\Diamond$ ортогонал тўлдирувчисига “параллел” бўлади, яъни $\left\langle u, F_u \right\rangle = 1,\ \left\langle u, F_u^\Diamond \right\rangle = 0.$

Симметрик қирранинг қуйидаги таърифи Я. Фридман ва Б. Руссолар томонидан киритилган. У қирралари кучсиз симметрик ҳамда қирралари кучли симметрик фазоларни киритишда асосий тушунча ҳисобланади.

1-таъриф. Агар Z ни Z га акслантирувчи S_u чизиқли изометрия мавжуд бўлиб, $S_u^2 = I$ ва унинг қўзғалмас нуқталари тўплами F_u қирранинг чизиқли қобиғи ёпилмаси $\overline{sp}\, F_u$ ҳамда ортогонал тўлдирувчиси $F_u^\Diamond$ нинг топологик тўғри йиғиндиси билан устма-уст тушса, яъни $\left(\overline{sp}\, F_u \right) \oplus F_u^\Diamond$ дан иборат бўлса, у ҳолда норма бўйича бўрттирилган F_u қирра *симметрик қирра* деб аталади.

Агар $u \in Z^*$ проектив бирлик учун F_u симметрик қирра бўлиб, S_u симметрия учун $S_u^* u = u$ тенглиги бажарилса, у ҳолда u *геометрик трипотент* деб аталади.

SF ва GU билан мос равишда Z_1 нинг барча симметрик қирралари тўплами ва Z^* нинг барча геометрик трипотентлари тўпламини белгилаймиз.

2-таъриф. Ҳақиқий ёки комплекс нормаланган Z фазода Z_1 нинг ҳар бир норма бўйича бўрттирилган қирраси симметрик қирра бўлса, у ҳолда Z фазо *қирралари кучсиз симметрик фазо* (*WFS-фазо*) деб аталади .

WFS-фазода $GU \ni u \to F_u \in SF$ акслантириш геометрик трипотентлар тўплами билан симметрик қирралар тўплами орасида биекция бўлади.

Z WFS-фазосида ҳар бир F_u симметрик қирралар учун $P_k\left(u\right),\ k \in \left\{ 0,1,2 \right\}$ умумлашган Пирс проекторлари қуйидагича аниқланади:

$$P_1(u) = \frac{1}{2}\left(I - S_u \right),\ P_1(u)(Z) = \left\{ f \in Z : S_u f = -f \right\},$$

$P_0\left(u\right)$ ва $P_2\left(u\right)$ лар Z ни мос равишда $F_u^\Diamond$ ва $\overline{sp}\, F_u$ ларга проекциялайди. $P_k\left(u\right),\ k \in \left\{ 0,1,2 \right\}$ умумлашган Пирс проекторлари таърифидан

$$P_2\left(u\right) + P_1\left(u\right) + P_0\left(u\right) = I\ ,$$
$$P_2\left(u\right) - P_1\left(u\right) + P_0\left(u\right) = S_u$$

эканлиги келиб чиқади.

Ушбу $U=Z^*$, $Z_k(u)=P_k(u)(Z)$ и $U_k(u)=P_k(u)^*(U)$, $k\in\{0,1,2\}$ белгилашларни киритамиз.

Агар Z нормаланган фазонинг ҳар бир $f\in Z$ учун $\|Qf\|=\|f\|$ эканлигидан $Qf=f$ келиб чиқса, у ҳолда Q қисқартириб акслантирувчи проектор *нейтрал* дейилади.

Агар Z нормаланган фазода ҳар бир F_u симметрик қиррага мос келувчи $P_2(u)$ проектор нейтрал бўлса, у ҳолда Z *нейтрал фазо* дейилади.

Айтайлик, Z фазо WFS-фазо бўлсин. Агар $x,y\in Z^*$ функционаллари учун $x\in U_2(u)$ ва $y\in U_0(u)$ бўлган $F_u\subset Z_1$ симметрик қирра мавжуд бўлса, у ҳолда бу функционаллар *ортогонал* дейилади ва $(x\lozenge y)$ каби белгиланади.

3-таъриф. Агар ҳар бир норма бўйича бўрттирилган $F_u\subset Z_1$ қирра ва ҳар бир $y\in Z^*$, $\|y\|=1$ элементлар учун $F_u\subset F_y$ эканлигидан $S_u^*y=y$ келиб чиқса, у ҳолда Z қирралари кучсиз симметрик фазо *қирралари кучли симметрик фазо (SFS-фазо)* дейилади, бу ерда S_u – F_u қиррага мос келувчи симметрия.

Z нейтрал SFS-фазода $f\neq 0$ учун v_f орқали $\langle f,v\rangle=\|f\|$ ва $\left\langle v,\{f\}^{\lozenge}\right\rangle=0$ мунособатларни қаноатлантирувчи ягона v геометрик трипотентни белгилаймиз. Агар $f,g\in Z$, у ҳолда $f\lozenge g$ бўлиши учун $v_f\lozenge v_g$ муносабатнинг бажарилиши зарур ва етарлидир.

Айтайлик, ҳар бир $i\in I$ учун $\left(Z_i,\ \|x\|_{Z_i}\right)$ – нормаланган фазо бўлсин. Бу фазоларнинг l_1-йиғиндиси $Z=\bigoplus_{i\in I}^{l_1}Z_i$ орқали белгиланади, яъни Z фазо $\sum_{i\in I}\|x_i\|_{Z_i}<+\infty$ шартини қаноатлантирувчи $x=\{x_i\}_{i\in I}$ кўринишидаги элементлардан иборат, бунда Z даги норма $\|x\|=\sum_{i\in I}\|x_i\|_{Z_i}$ каби аниқланади.

Қуйидаги теорема ўринли.

1-теорема. *Айтайлик, ҳар бир* $i\in I$ *учун* Z_i *– SFS-фазо бўлсин. У ҳолда* $Z=\bigoplus_{i\in I}^{l_1}Z_i$ *ҳам SFS-фазо бўлади.*

Диссертациянинг **«Қирралари кучли симметрик фазоларнинг геометрик трипотентлари хоссалари»** номли иккинчи бобида, қирралари кучли симметрик фазолардаги қирралар ва геометрик трипотентларнинг геометрик хоссалари ўрганилди.

Биринчи параграфда нейтрал қирралари симметрик фазолар бирлик шарлари қирраларининг геометрик хоссалари ўрганилди. Бунда чекли ўлчамли ҳақиқий нейтрал қирралари кучсиз симметрик фазолар бирлик шарларининг барча экстремал нуқталари бўрттирилган нуқта бўлиши, ҳамда чекли ўлчамли ҳақиқий нейтрал қирралари кучли симметрик фазоларнинг барча симметрик қирралари симплекс бўлиши кўрсатилди.

4-таъриф. Агар қирралари кучсиз симметрик фазо бирлик шарининг ҳар бир экстремал нуқтаси норма бўйича бўрттирилган нуқта бўлса, у ҳолда бу фазо (PE) (*“нуқталарнинг бўрттирилганлиги”*) хоссага эга дейилади.

Я.Фридман ва Б.Руссо ишида қуйидаги масала қўйилган

1-масала. Айтайлик, Z қирралари кучсиз симметрик фазо бўлсин. Ҳар бир экстремал нуқта норма бўйича бўрттирилган нуқта бўладими?

Қуйидаги теорема параграфнинг асосий натижаси бўлиб, чекли ўлчамли ҳақиқий қирралари кучсиз симметрик фазолар ҳолида юқоридаги масала ижобий ечимга эга эканлигини кўрсатади.

2-теорема. *Агар Z чекли ўлчамли ҳақиқий нейтрал қирралари кучсиз симметрик фазо бўлса, у ҳолда бирлик шарнинг ҳар бир экстремал нуқтаси норма бўйича бўрттирилган нуқта бўлади.*

Умумий ҳолда юқоридаги масала очиқ турибди.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида SFS-фазода чекли геометрик трипотент тушунчаси киритилган бўлиб, унинг баъзи хоссалари аниқланди. Ихтиёрий чекли ўлчамли ҳақиқий нейтрал SFS-фазонинг чекли бўлиши исботланди.

Агар u геометрик трипотент учун

1) $\dim U_2(u) = 1$ бўлса, u *минимал* дейилади;

2) $U_0(u) = \{0\}$ бўлса, u *максимал* дейилади;

3) $U_2(u) = U$ бўлса, u *тўла* дейилади.

Агар $e \in GU$ учун $U_2(e)$ да максимал бўлган ихтиёрий $u \in U_2(e)$ геометрик трипотент $U_2(e)$ да тўла бўлса, у ҳолда e *чекли геометрик трипотент* дейилади. Агар U даги ихтиёрий геометрик трипотент чекли бўлса, у ҳолда биз Z ни *чекли* деймиз.

Қуйидаги теорема ўринли.

3-теорема. *Ихтиёрий чекли ўлчамли ҳақиқий нейтрал SFS-фазо чекли бўлади.*

Учинчи параграфда SFS-фазонинг қўшма фазосидаги ортогоналлик билан М-ортогоналлик тушунчалари орасидаги боғлиқлик ўрганилди. Рефлексив SFS-фазоларда геометрик трипотентларнинг геометрик тавсифи берилди. Рефлексив SFS-фазоларнинг қўшма фазоси бирлик шарининг экстремал нуқталари тўплами максимал геометрик трипотентлар тўплами билан устма-уст тушиши кўрсатилди.

Агар E нормаланган фазонинг x ва y элементлари учун

$$\|x \pm y\| = \max\{\|x\|, \|y\|\}$$

бажарилса, у ҳолда x ва y элементлар *M-ортогонал* дейилади, ва $x \square y$ каби белгиланади.

E нормаланган фазонинг H қисм тўпламининг *М-ортогонал* тўлдирувчиси

$$H^{\square} = \left\{ x \in E : x \square y, \ \ \forall y \in H \right\}$$

каби аниқланади.

Нормаси бирга тенг ҳар бир $x \in E$ элементи учун S_x *уринма диск*

$$S_x = \left\{ y \in E : \ \|x + \lambda y\| = 1, \ \forall \lambda \in \mathbb{C}, |\lambda| \le 1 \right\}$$

каби аниқланади.

Параграфнинг асосий натижаси қуйидаги теорема бўлиб, у SFS-фазонинг қўшма фазоси элементлари геометрик трипотент бўлишининг зарур ва етарли шартларини беради.

4-теорема. *Айтайлик, Z рефлексив комплекс қирралари кучли симметрик фазо ва $u \in U$, $\|u\| = 1$ бўлсин. У ҳолда қуйидаги шартлар эквивалентдир:*

(a) $u \in GU$;

(b) $u^{\square} \cap U_1 = u^{\Diamond} \cap U_1$;

(c) $u^{\square} \cap U_1 = iu^{\square} \cap U_1$;

(d) $S_u = u^{\Diamond} \cap U_1$.

Қирралари симметрик фазолар назариясида асосий тушунчаларидан бири Я.Фридман ва Б.Руссолар ишида киритилган фазонинг ранги тушунчасидир. Ш.А.Аюпов томонидан берилган ранги бўйича қирралари симметрик фазоларни таснифлаш масаласи қўйилганди. Диссертациянинг **«Қирралари симметрик фазоларнинг геометрик тавсифи»** деб номланган учинчи боби ушбу масалани ечишга бағишланди.

5-таъриф. Агар ўзаро ортогонал геометрик трипотентларнинг ихтиёрий оиласи k натурал сонидан катта бўлмаган қувватга эга бўлиб, k сондаги ўзаро ортогонал геометрик трипотентлардан иборат бўлган камида битта оила мавжуд бўлса, у ҳолда Z *ранги* k *қирралари симметрик фазо* дейилади ва $rank\, Z = k$ каби белгиланади.

Биринчи параграфда ранги n бўлган n ўлчамли ҳақиқий қирралари кучли симметрик фазолар таснифланди, ҳамда унинг L_1-нормали фазо бўлиши кўрсатилди. Иккинчи параграфда Банах фазолари синфида ҳақиқий Гильберт фазолари геометрик тавсифланди.

Учинчи параграфда ранги $n-1$ бўлган n ўлчамли ҳақиқий нейтрал қирралари кучли симметрик фазолар таснифланди.

5-теорема. *Айтайлик, Z ранги $n-1$ бўлган n ўлчамли ҳақиқий нейтрал қирралари кучли симметрик фазо бўлсин. У ҳолда Z фазо нормаси*

$$\|x\| = \sqrt{x_1^2 + x_2^2} + |x_3| + \ldots + |x_n|$$

каби аниқланган R^n *фазога изометрик изоморф бўлади.*

JP хоссасига эга бўлган чекли ўлчамли ҳақиқий нейтрал қирралари кучли симметрик фазолар тўртинчи параграфда ўрганилди.

Бунда JP хоссасига эга бўлган ихтиёрий чекли ўлчамли ҳақиқий нейтрал қирралари кучли симметрик фазонинг чекли ўлчамли Гильберт фазоларининг l_1-йиғиндисига изометрик изоморф эканлиги исботланди.

Агар ўзаро ортогонал ихтиёрий u ва v геометрик трипотентлар жуфтлиги учун $S_{u+v} = S_u S_v$ тенглиги бажарилса, у ҳолда SFS-фазо *JP* («*биргаликдаги Пирс ёйилмаси*») хоссасига эга дейилади.

Маълумки, R^n фазо ушбу

$$\|f\| = \sum_{i=1}^{k} \sqrt{\sum_{j=n_i}^{n_{i+1}} f_j^2},$$

норма бўйича ранги k бўлган JP хоссага эга нейтрал SFS-фазо бўлади, бу ерда $1 = n_1 < n_2 < \ldots < n_{k+1} = n.$

Қуйидаги натижа параграфнинг асосий натижаси бўлиб, JP хоссасига эга бўлган чекли ўлчамли ҳақиқий нейтрал SFS-фазоларини таснифлайди.

6-теорема. *Айтайлик, Z чекли ўлчамли ҳақиқий нейтрал қирралари кучли симметрик фазо JP хоссасига эга бўлган бўлсин. У ҳолда*

$$Z \cong \bigoplus_{i=1}^{k} {}^{l_1} H_i,$$

бунда H_i – Гильберт фазоси, $i \in \overline{1,k}$ ва $k = rank\, Z.$

Шундай қилиб, $rank\, Z = 1,\ n-1,\ n$ (ушбу ҳолларнинг ҳар бирида изометрик изоморфизм аниқлигида битта фазо мавжуд) ҳоллардан бошқа $1 < rank\, Z < n-1$ ҳолларда изоморф бўлмаган фазоларнинг сони $\left[\frac{n}{k}\right]$ дан кичик эмас, бу ерда $n = \dim Z,\ k = rank\, Z,\ [t]$ – t сонининг бутун қисми. Бунда, изоморф бўлмаган фазолар сонини қуйидаги рекуррент формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$p(n) = \sum_{m=1}^{\infty} (-1)^{m+1} \left(p\left(n - \frac{m(3m-1)}{2}\right) + p\left(n - \frac{m(3m+1)}{2}\right) \right).$$

Бешинчи параграфда тўла геометрик трипотентли нейтрал қирралари кучли симметрик фазолар ўрганилди. Атомик коммутатив фон Нейман алгебралари олд қўшма фазоларига изометрик изоморф бўлган қирралари кучли симметрик фазолари таснифланди.

Агар $u,v \in GU$ учун $F_u \subset F_v$ бўлса, у ҳолда $u \le v$ каби ёзилади.

Айтайлик, $e \in GU$ бўлсин. Ушбу

$$L_e = \{u \in GU : u \le e\} \cup \{0\}$$

белгилашни киритамиз.

Маълумки, L_e тўплам "$\le$" тартибга нисбатан тўла ортомодуляр панжара бўлади, бу ерда ортогонал тўлдирувчи $u^\perp = e - u$ кўринишида аниқланади.

Айтайлик, $\mathrm{T} = \{v_i\}_{i \in J}$ оиласи U даги ўзаро ортогонал минимал геометрик трипотентларнинг максимал оиласи бўлсин. Ушбу

$$\ell_1(\mathrm{T}) = \left\{ \{\lambda_i\}_{i\in J} : \sum_{i\in J} |\lambda_i| < +\infty \right\}$$

белгилашни киритамиз. У ҳолда $\ell_1(\mathrm{T})$ қуйидаги норма бўйича Банах фазоси бўлади:

$$\|\{\lambda_i\}_{i\in J}\| = \sum_{i\in J} |\lambda_i|.$$

Агар Z_1 даги ҳар бир F_u симметрик қирра экстремал нуқтага эга бўлса, у ҳолда Z нормаланган фазо *атомик фазо* дейилади.

Қуйидаги теорема ушбу параграфнинг асосий натижаси бўлиб, атомик коммутатив фон Нейман алгебралари олд қўшма фазоларига изометрик изоморф бўлган қирралари кучли симметрик фазоларни таснифлайди.

7-теорема. *Айтайлик, Z атомик нейтрал қирралари кучли симметрик фазоси (PE) хоссасига эга бўлиб, e тўла геометрик трипотенти мавжуд бўлсин. Агар L_e Буль алгебраси бўлса, у ҳолда Z фазо $\ell_1(\mathrm{T})$ фазога изометрик изоморф бўлади, бу ерда T – ўзаро ортогонал минимал геометрик трипотентларнинг максимал оиласи.*

Унитар геометрик трипотентли ҳақиқий нейтрал қирралари кучли симметрик фазолар ушбу бобнинг олтинчи параграфида ўрганилди.

Агар $F_e \cup F_{-e}$ тўпламнинг қаварик қобиғи Z_1 бирлик шар билан устма-уст тушса, яъни

$$Z_1 = \mathrm{co}(F_e \cup F_{-e}). \qquad (1)$$

бўлса, у ҳолда $e \in GU$ *унитар геометрик трипотент* дейилади.

R^n фазо ушбу

$$\|x\| = \sum_{i=1}^{n} |x_i|,$$

норма бўйича SFS-фазо бўлади, бу ерда $x = (x_i) \in \mathbb{R}^n$. Агар $e \in \mathbb{R}^n \cong (\mathbb{R}^n)^*$ максимал геометрик трипотент бўлса, у ҳолда $e = (\varepsilon_1, ..., \varepsilon_n)$, $\varepsilon_i \in \{-1, 1\}$, $i = 1, 2, ..., n$; шу билан бирга

$$F_e = \left\{ x \in \mathbb{R}^n : \sum_{i=1}^{n} \varepsilon_i x_i = 1,\ \varepsilon_i x_i \geq 0,\ i = \overline{1, n} \right\}$$

норма бўйича бўрттирилган қирра (1) шартни қаноатлантиради, яъни e унитар геометрик трипотент бўлади.

Умумий ҳолда тўғри йиғинди хоссасига эга μ ўлчовли (Ω, Σ, μ) ўлчовли фазони қараймиз, яъни бу фазода шундай $\{\Omega\}_{i \in J} \subset \Sigma,\ 0 < \mu(\Omega_i) < \infty,\ i \in J$ оила мавжудки, $\mu(A) < \infty$ бўлган ихтиёрий $A \in \Sigma$ учун шундай $J_0 \subset J$ саноқли қисм тўплам ва ноль ўлчовли B тўплам бор бўлиб, $A = \bigcup_{i \in J_0} (A \cap \Omega_i) \cup B$ муносабат ўринли бўлади.

Айтайлик, $L_1(\Omega, \Sigma, \mu)$ - (Ω, Σ, μ) да интегралланувчи барча ҳақиқий функциялар фазоси бўлсин. Бу фазо $\|f\| = \int_{\Omega} |f(t)| d\mu(t),\ f \in L_1(\Omega, \Sigma, \mu)$ норма бўйича SFS-фазо бўлади.

Агар $e \in L^{\infty}(\Omega, \Sigma, \mu) \cong L_1(\Omega, \Sigma, \mu)^*$ максимал геометрик трипотент бўлса, у ҳолда бирор $A \in \Sigma$ учун $e = \tilde{\chi}_A - \tilde{\chi}_{\Omega / A}$ бўлади, бу ерда $\tilde{\chi}_A$ – A тўпламнинг характеристик функциясини ўз ичига олувчи синф. У ҳолда

$$F_e = \left\{ f \in L_1(\Omega, \Sigma, \mu) : \|f\| = 1,\ \int_{\Omega} e(t) f(t) d\mu(t) = 1 \right\}$$

норма бўйича бўрттирилган қирра (1) шартни қаноатлантиради, яъни e унитар геометрик трипотент бўлади.

Н.Ядгоров, К.Кудайбергенов ва М.Ибрагимовларнинг ишида, агар Z унитар геометрик трипотентга эга ҳақиқий нейтрал қирралари кучли симметрик фазо бўлиб, унинг ихтиёрий максимал геометрик трипотенти унитар бўлса, у ҳолда Z фазонинг L_1-фазога изометрик изоморф бўлиши кўрсатилган.

Қуйидаги натижа, юқоридаги теоремада «ихтиёрий максимал геометрик трипотентнинг унитар бўлиши» шартининг ортиқча эканлигини кўрсатади.

1-лемма. *Айтайлик, Z ҳақиқий нейтрал SFS-фазосида унитар геометрик трипотент мавжуд бўлсин. У ҳолда ҳар бир максимал геометрик трипотент унитар бўлади.*

Қуйидаги теорема ушбу параграфнинг асосий натижасидир.

8-теорема. *Айтайлик, Z ҳақиқий нейтрал қирралари кучли симметрик фазоси унитар геометрик трипотентга эга бўлсин. У ҳолда тўғри йиғинди хоссасига эга* μ *ўлчовли* (Ω, Σ, μ) *ўлчовли фазо мавжуд бўлиб, Z фазо* $L_1(\Omega, \Sigma, \mu)$ *фазога изометрик изоморф бўлади.*

Диссертациянинг **«Ҳақиқий операторлар алгебраларининг геометрик тавсифи»** номли тўртинчи бобида JBW-алгебраларнинг олд қўшма фазоларининг геометрик хоссалари ўрганилди.

Ҳақиқий ёки комплекс A алгебрада (умумий ҳолда ноассоциатив) $a \circ b$ кўпайтма ихтиёрий $a, b \in A$ учун

1) $a \circ b = b \circ a$;

2) $a^2 \circ (b \circ a) = (a^2 \circ b) \circ a$

аксиомаларни қаноатлантирса, у ҳолда A *Йордан алгебраси* дейилади.

Бирлик элементга эга A ҳақиқий Йордан алгебрасида норма аниқланган бўлиб, бу нормага нисбатан у Банах фазоси ҳамда ихтиёрий $a, b \in A$ учун

1) $\|a^2\| = \|a\|^2$;

